



Халқ сўзи


Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 24 декабрь, № 248 (4658)

Чоршанба



МАҚСАД — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

Қўмита ишчи гуруҳи томонидан вилоят аҳолисининг юқумли ва ўта хавfli инфекциялардан ҳимояланиши, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан санитария-эпидемия масалалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва ичимлик суви билан таъминланиши ҳамда давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар томонидан санитария-гигиена меъёрларига риоя этилиши масалалари ўрганилган.

Тадбирда Фарғона вилояти санитария-эпидемиология хизмати тизимида давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, уларнинг қўшида эса санитария-гигиена, бактериология, паразитология ва вирусология марказлари самарали фаолият кўрсатаётганлиги, шунга қарамай, соҳада камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Айни вақтда барча турдаги маиший ва ишлаб чиқариш чикиндиларининг қонунда белгиланган меъёрлар асосида зарарсизлантирилмаганлиги ва жойларда қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги ҳам уқтирилди.

Мисол учун, Қонуннинг 14-моддасида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ташини, сотиш билан шуғулланувчи корхона ва муассасаларнинг тиббиёт-биология талаблари, санитария ва гигиена меъёрларига риоя этилиши белгиланган бўлса-да, шу йўналишда фаолият олиб борадиган корхоналар томонидан қонунбузарлик ҳолатлари содир этилган.

Шунингдек, йиғинда хусусий тиббиёт муассасалари мутасаддиларининг тиббий ҳужжатларни юритиш лозимлиги хусусидаги меъёр Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига киритилганлигиндан бехабарлиги, аксарият хусусий тиббиёт масканларида соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда кўрсатилган хизматнинг талабга жавоб бериш-бермаслиги мутасаддиларни безовта қилмаётганлиги таассуфли ҳол сифатида қайд этиб ўтилди.

Йиғилишда қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ.

Қашқа воҳасининг бош кенти — Қарши шаҳри 2009 йилни кутиб олишга шайланмоқда. Муस्ताқиллик хиёбонида янги йил тимсоли — улкан арча қад ростлади. Турли-туман ўйинчоқлар, тунги ёриткичлар билан безатилган 20 метрлик арча барчага вилоят ҳаётида ёрқин из қолдирган 2008 йил билан хайрлашиб, янги йилни шуд-хоррам кутиб олиш вақти келганидан дарак бериб турибди. Унинг атрофи ханиша гавжум. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз.

ҲАР ЙИЛНИНГ ЎЗ ФАЗИЛАТИ БОР

— Шаҳримизнинг барча меҳнат жамоаларида, таълим масканларида янги йилни кутиб олишга қизгин тайёргарлик кўриляпти. — дейди шаҳар ҳокими Шухрат Турсунов. — Катталар яқун ва режалар билан банд бўлишса, болакайлар Қорбобо ва Қорқизни, байрам совғаларини орзиқиб кутяпти. Янги йил арафасида шаҳримизда 3 та ишлаб чиқариш, 6 та сав-

до мустаҳкамланиши учун муҳим омил бўлади. Ҳозир шаҳримизнинг бозорларида, аҳоли гавжум жойларида ташкил этилган янги йил ярмаркаларида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг байрам савдоси қизқин кетаяпти.

Ил йилга ўшайди. Лекин ҳар йилнинг ўз фазилати бор. 2008 йил ўзининг ютуқ ва муаммоси, қувонч ва ташвишлари билан тарих бўлиб қолади. Янги йил эса бир олам эзгу тиллақлар, умид ва ишонч олиб келмоқда. Зеро, Қарши шаҳри, бутун вилоят аҳли шу рўҳда яшамоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

НУРЛИ МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Таълим соҳасидаги ислохотлар мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундан кутиладиган натижа ҳақида Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига шундай дейди: «Таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда мен жаҳон таърибаси ва ҳаётда ўзини кўп бор оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли равишда амалга ошира оلسак, тез орада ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффектига», яъни янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз, деган фикрни билдирган эдим».

Мақтабга эътибор — келажаққа эътибор

Бу мақсадда қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув дастурларини, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тақомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



(Давоми 4-бетда).

ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЁТГАН МАМЛАКАТ

Туркияда ҳар ойда нашр этиладиган ва дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида тарқатилган «YESEVI» журналининг навбатдаги сонда журналист Исмаиулла Ясавийнинг «Ўзбекистон ва Ислам Каримов» мақоласи чоп этилди. Мақолада истиқлол йилларида Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатда кенг қўлланган ижтимоий-иқтисодий қийиланишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

«Ўзбекистон ўзи мустақиллигини 1991 йил 1 сентябрда эълон қилди, — дейилади мақолада. — СССР парчаланганидан кейин собиқ иттиққо ҳудудида жойлашган мамлакатларда мураккаб-лашган аҳвол тартибсизликларни бартараф этиш, ҳуқуқий тартибни сақлаш ва аҳолининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини таъминлаш, биринчи гада, озиқ-овқат масаласини ҳал этишнинг тезкор чораларини кўриши талаб этарди. Ана шундай мураккаб шароитда Президент Ислам Каримов томонидан мамла-

катни иқтисодий ривожланиш йўлига олиб чиқадиган ва бу соҳада эътиборли муваффақиятларга эришишга хизмат қиладиган чуқур ўйланган ислохотларни амалга оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг амалга оширилишига, энергетика соҳаси, қишлоқ ҳўжалиги, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, банк иши, молия, солиқ ва бошқа тармоқлар бўйича давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва уларнинг муваффақият билан амалга татбиқ этилишига эътибор қаратади. Ҳозирги кунда мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасини чуқур ислох қилиш ва либераллаштириш жараёни яқунга етмоқда ва судларни иқтисодлаштириш амалга оширилмоқда. Мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинган. Ўзбекистон

Қуролли Кучлари ва ҳарбий хизмат бўйича ислохотлар амалга оширилди.

«Ўзбекистон ҳўкуматиининг сиёсати хорижий сармояларни жалб қилиш учун энг қулай имкониятлар яратиш ва сармоядорлар кафолатларини таъминлашга йўналтирилган, — деб ўз фикрини давом эттиради И. Ясавий. — Мамлакат сармоядорларини солиқ имтиёзлари яратилгани, иттиб ресурсларга бойлиги, малакали ишчи кучи етарли эканлиги, ривожланган банк ва ҳуқуқий хизматлар қўрсатилиши билан ўзига тортмоқда».

Журналист қишлоқ ҳўжалиги мамлакат иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири эканлигини ва мамлакат пахта, мева, सबзавот ва бошқа қишлоқ

(Давоми 3-бетда).

Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида вилоятимиздаги мавжуд аҳвол ҳақида батафсил тўхталиб, эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Ушбу ҳудуднинг оддий бир вакили сифатида кўрсатиб ўтилган ана шу танқидий фикрлардан қаттиқ таъсирландим.

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИК

Вилоятимизнинг сановат соҳасидаги имкониятлари тўғрисида ортиқча таъриф-таъсифнинг ҳолати бўлмаса керак. Ер ости бойликлари дейишми, йирик сановат корхоналарини айтасизми — барчаси иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин пойтахт вилоятининг обрў-эътибори, мавқеи фақат шу соҳаларга боғлиқ, дея тасаввур қилиш мутлақо нотўғри. Чунки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган киши сифатида яхши биламанки, бу ерда деҳқончилик ҳам юқори натижаларга эришиш учун шарт-шароит етарли. Аввало, еримиз ҳосилдор. Сувдан муаммо йўқ. Энг муҳими, баъзи вилоятлардаги каби, куз-қиш мавсумида ер шўрини ювиш талаб қилинмайди.

Дил сўзи

Бундан ортиқ яна нима керак?

Афсуски, шундай катта имкониятлар бўла туриб, кейинги йилларда пахтачиликда ҳосилдорлик 22,3 центнерга, галлачиликда эса 38 центнерга тушиб кетгани ҳам ачинарли, ҳам уятли ҳолатдир. Бунга ким айбдор? Албатта, ўзимиз, вилоятдагилар айбдор. Вилоятимизда кадрларнинг қўнимсизлиги, ўзибўларчилиги, ишининг тўри ташкил қилинмагани, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидан мутлақо йирик кишиларнинг фермерликка аралашиб қолгани обрўйимизга путур етказди. Агар бор куч-гайратимизни ишга солиб, ўз аравамизни ўзимиз тортишга ҳаракат қилмас эканмиз, ишимизда ўзгартиш бўлмайди.

Орtbodyошимизнинг фермер ҳўжаликлари ерини тартибга келтириш, уларни оптималлаштириш тўғрисидаги махсус фармойиши қабул қилинди. Сессияда ҳам шу ҳақда сўз юритилиб, 15-20 гектаргача ери бўлган фермерларнинг йиллик фойдаси 5-6 миллион сўмдан ошмаётгани мисол қилиб келтирилди. Бу ҳар томонлама асосли, деб ўйлайман ва ерларни оптималлаштириш жуда тўғри қарор, деб ҳисоблайман. Чунки бу масала ўтган йиллар давомида ўз исботини топиб улгурди. Масалан, бизнинг 430 гектар еримиз бор. Чорвачиликка иқтисослашган фермер ҳўжалигимизда шартли мол бош сон 1,5 мингтага етган. Даромадимиз юқори. Кичик ерларда меҳнат қилаётган фермерларга ўшаб топган маблағимизни етказолайми бошимиз қотмайди.

Еримизнинг катталиги имкониятларимизни ҳам кенгайтирмоқда. Айни пайтда Оҳангарон, Ангрэн ва Олмалик шаҳарлари аҳолисига чорвачилик маҳсулотлари етказиб бераёلمиз. Келгуси йилнинг «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши айни мудида бўлди. Насиб этса, қишлоқда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Президентимиз вилоятимиз аҳлига яна бир бор ишонч билдирдилар. Агар ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб ишласак, ҳалол меҳнатимиз билан ўзимизни кўрсатсак, ўйлайманки, вилоятимизнинг мавқеи ва обрў-эътибори тикланади. Бундан фақат ўзимиз фойда кўраемиз, пировардида ҳаётимиз янада тўқин ва фаровон бўлади.

Шунқор УМРЗОҚОВ,
фермер.
Оҳангарон тумани.

«РАУНЕТ» ОРҚАЛИ АВТОСУФУРТА

«Raynet» компанияси мазкур Қонунни ижро этиш мақсадида Ўзбекистоннинг етакчи суғурта компаниялари билан тегишли шартномалар тузди ва ушбу суғурта тўлови бўйича тўловларни қабул қилишни бошлади. Бу борада «Alfa Invest» суғурта компанияси унинг биринчи ҳамкорига айланди. Мазкур компания республикамиз суғурта бозорига 5 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келмоқда ва ўзининг кенг тармоғига эга.

«Raynet» компанияси Ўзбекистон бўйича кенг қўламли дилерлик тармоғига эга бўлиб, унинг 15 мингтадан ортиқ шахобчаси аҳолига фаол хизмат

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОРЛАР ТАШАББУСИ

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, маиший хизмат объектларини ташкил этишга салкам 1 миллиард сўмлик маблағ ажратилди.

Интилиш

Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун «Микрокредитбанк» томонидан ажратилган маблағ 98,2 миллион сўмдан ошди. Тадбиркорлар эса ўз шахсий маблағларидан 546 миллион сўм сарфладилар.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Йилнинг ўтган даврида иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғар-

Бир рақам шарҳи

2008 йилнинг охиригача мамлакатимизда 1900 та ёш оила алоҳида хонадонларга эга бўлади.

Бу мустақил Ўзбекистонда исчи амалга ошириб келинаётган ҳамда инсон ва унинг манфаатларини олий қадрият деб эътироф этаётган, жумладан, ҳаётга кириб келаятган ёш авлоднинг ақлий ва жисмоний камолоти ҳамда турмуш фаровонлигини ҳар нарсадан азиз деб билаётган давлат сиёсатининг самарасидир.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Экспорт ҳажми қисқарди

Ноябрь ойида Япониянинг экспорт ҳажми 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 26,7 фоизга камайган.

Мамлакатнинг ташқи бозорга маҳсулот сотиш ҳажми 1980 йилдан буён биринчи марта шундай юқори суръатда пасайган. Бундан ташқари, учинчи чорада ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 1,8 фоизга камайган.

Кузатувчилар Япония иқтисодиётидаги барқарорликнинг издан чиқишига ҳам жаҳонда кузатилаётган молиявий инқироз сабаб, деган фикрда.



Ишсизлик муаммоси

Россия Бош вазирининг ўринбосари Александр Жуковнинг таъкидлашича, 10 декабрдан 16 декабргача мамлакатдаги ишсизлар сони 70 минг кишига ошган, дейилади «РИА Новости» ахборот агентлиги хабарида.

Расмий маълумотларга қараганда, бугунги кунда Россияда ишсизлар сони бир миллион 395 минг кишини ташкил этмоқда. Бу ўтган йилдаги нисбатан саккиз фоизга кўп. Шу боис Давлат Думаси мамлакатда меҳнат

бозорини қўллаб-қувватлаш бўйича қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Унга кўра, ишдан бўшатилган фуқароларга ўша кундан бошлаб 12 ой давомида бериладиган нафақа миқдори 4900 рублга оширилиши кутилмоқда.

Аэропорт вақтинча ёпилди

Бразилияда кузатилаётган ноқулай об-ҳаво қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, Сан-Пауло шаҳри аэропорти вақтинча фаолиятини тўтатган, дейилади «АФР» ахборот агентлиги хабарида. Маҳаллий ҳукумат вакилларининг изоҳлашича, айни пайтда шаҳарда бўрон кузатишмоқда ва бундай шароитда парвозларни амалга ошириш хатарлидир. Бундан ташқари, тинимсиз ёғаётган



ёмғир кўплаб дарёларнинг ўзанидан тошиш хавфини юзга келтирмоқда.

Табият инжиқликлари натижасида мамлакат жанубидаги аксарият аҳоли яшаш пунктлари электр таъминотидаги узиллиб қолган.

Губернаторнинг нияти

АҚШнинг Калифорния штати губернатори, таниқли актёр Арнольд Шварценеггер мамлакатдаги «СBS» телеканалнинг «60 Minutes» дастурида иштирок этиб, бир қатор саволларга жавоб берди.

Жумладан, у «Агар мамлакат конституциясига ўзгартириш киритилса, президентлик сайловларида иштирок этармидингиз?» деган саволга шундай жавоб қайтарди: «Мен доимо олдинга интилишни мақсад қилганман. Шундай экан, бу аёнанага содиқ қоламан».

Таъкидлаш керак, мамлакат Асосий қонунига кўра, бошқа давлатда туғилиб АҚШ фуқаролигини қабул қилганлар президентлик сайловларида иштирок эта олмайдди. Австрияда дунёга келган Шварценеггер 1983 йилда АҚШ фуқаролигини қабул қилганди.

Фан сифатида киритилади

2009 йили Арманистондаги 440 та мактабда футбол янги фан сифатида киритилади.

Бу ҳақда Арманистон Футбол федерацияси президенти Рубен Айрапетян маълум қилди, дейилади «Новости-Армения» ахборот агентлиги хабарида. АФФ бу йўналишда таълим берадиган мураббийларни махсус тайёргарликдан ўтказишни ҳамда кейинги йил март ойи охиригача ўқув қўлланмалари чоп этишни режалаштирмоқда.



Футбол дарсларида ўқувчилар фақатгина жисмоний машғулотлар билан чекланиб қолмай, назарий билимларни ҳам ўзлаштиришади.

Ниқобли жосуслар

Эрон махсус хизмати вакиллари мамлакатда фаолият юритаётган «Би-Би-Си» корпорацияси ходимларини жосусликда айблаб, ҳибсга олган. Бу ҳақда «Press TV» нашри хабар тарқатди.

Парламентнинг Ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Мухаммад Карим Абединнинг айтишича, «Би-Би-Си» телеканалига бириктирилган журналист ниқобли жосуслар гуруҳи фаолиятини Буюк Британиянинг Техрондаги элчихонаси кўмағида ташкил этилган. Махсус хизмат ходимлари «ижодкорлар»нинг меҳмонхоналаридаги иш-

шарифлари ўзгартирилиб, қайд этилганидан сўнг уларнинг нияти қабул қилинган. Эрон парламенти ўз вақтида кўрилган чора туфайли газали мақсаддаги журналистлар мамлакат хавфсизлигига раҳна солувчи бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга улгуролмаганини таъкидлаган. Қўла олинганларнинг сони ҳақда аниқ маълумотлар йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторида туриши ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон олтин, мис, алюмин, вольфрам, кўмир, мрамар, табиий газ ва нефть каби ер ости қазилма ресурсларига ҳам бой эканлигини таъкидлайди. «Бундан ташқари, мамлакатда нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати ривожланган. Иқтисодийни ривожлантириш стратегияси бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш орқали бозор макроиктисодий муносабатларини таъминлашга йўналтирилган. Бу аҳоли фаровон турмуш даражасининг ўсишига имконият яратди».

Мақолада мустақиллик йилларида таълим соҳаси-

да муҳим ижобий ўзгаришлар ҳам эътибордан четда қолмаган. «Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши доирасида юздан ортқ академик лицей ҳамда касб-хунар

этилди. Бугунги кунда мамлакатдаги 60 дан ортқ олий ўқув даргоҳларида 300 минг нафардан зиёд талабалар 850 йўналиш ва ихтисослик бўйича таълим олмоқда. Фанлар академия-

Ўзбекистоннинг маданий ҳаёти ҳақида гапирар экан, журналист ўқувчилар эътиборини Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислон ташкилоти — ISESCO

кидланади мақолада. — Ўзбекистон дунё маданияти ва тамаддунининг бешиги сифатида ўз халқининг маданий меросини асраш ва ривожлантириш мақсадида кенг қўламли

авайлаб асралмоқда. Евроосийнинг маркази бўлган бугунги Ўзбекистон минтақа билан нафақат йўллар, ҳаво ва темир йўл алоқалари орқали, балки маданий яқинлиги билан ҳам бог-лик».

И. Ясавий ўз мақола-сини шундай якунлаган: «Ўзбекистон қадимдан маданият, сиёсат, адабиёт, фан ва санъатнинг атоқли марказларидан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолади. Ўз Президенти раҳнамолигида Ўзбекистон халқи мамлакатнинг Осиё дунёсиде етакчи бўлиши ва ўзининг буюк қадимий тарихий обидаларни қайта тиклаш ва реконструкция қилиш босқинида салмоқли ишлар амалга оширилди. Авлодларнинг бебаҳо моддий ва маънавий мероси қайта тикланмоқда ҳамда

«Жаҳон» АА. Истамбул.

ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЁТГАН МАМЛАКАТ

коллеклари қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди, компьютер синфлари, лингафон хоналари ташкил этилди, — деб ёзади И. Ясавий. — Асосий ислохотлар олий таълим йўналишида олиб борилди, бакалавр ва магистр тайёрлаш бўйича Европа тизими жорий

си ва унинг улкан илмий салоҳиятга эга бўлган 40 дан ортқ институтлари фаолият кўрсатмоқда. Ядровий физика, иссиқлик физикаси, астрофизика, биология, сейсмология ва археология соҳалари каби табиий ва аниқ фанларнинг жуда кўп йўналишларида истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда».

томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳри «Ислон маданиятининг пойтахти» деб эълон қилинганга қаратади. «Ўзбекистонда бетакрор тарихий ёдгорликлар, бебаҳо меъморий обидалар, маданий қадриятлар, палеолит давридан бошланувчи ўрта асрларнинг қўлёзма ва экспонатлари сақланиб қолган, — деб таъ-

ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Мустақиллик йилларида Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси билан қадимий тарихий обидаларни қайта тиклаш ва реконструкция қилиш босқинида салмоқли ишлар амалга оширилди. Авлодларнинг бебаҳо моддий ва маънавий мероси қайта тикланмоқда ҳамда



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки (ОАЖ)

сизларни яқинлашиб келаётган **Янги — 2009 йил** билан самимий табриклайди!

Сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, омад ва зафарларни тилаб, миллий валютада янги омонат турларини жорий йилнинг 31 декабригача тақлиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР

- 1. «Янги йил-2009»**
Сақланиш муддати — **3 ой**. Омонат бўйича **йиллик 24%** ҳисобланади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда берилиши ёки омонат ёпилганда (3 ой муддат ўтганидан сўнг) берилиши мумкин.
- 2. «Янги йил-2009»**
Сақланиш муддати — **6 ой**. Омонат бўйича **йиллик 25%** ҳисобланади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда берилиши ёки омонат ёпилганда (6 ой муддат ўтганидан сўнг) берилиши мумкин.
- 3. «Янги йил-2009»**
Сақланиш муддати — **1 йил**. Омонат бўйича **йиллик 26%** ҳисобланади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда берилиши ёки омонат ёпилганда (1 йил муддат ўтганидан сўнг) берилиши мумкин.

Сизнинг омонатларингиз

- маблағлар манбалари декларация қилинмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод;
- банк сири деб ҳисобланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Барча омонатларингиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни билан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-63, 120-39-81, 120-39-57.

Барча хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОНГА КОНВЕКТОРЛАРНИ РАСМИЙ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ — «УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ» МЧЖ

минтақавий дилерларни ҳамкорликка чақиради, чегирмалар мавжуд!

АЛОҲИДА ҲОЛДА ИСИТИШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ!

Ўзбекистон Республикасида сертифициланган, газда ишлайдиган «АКОГ» иситиш конвектори:

- хонани тезда иситади;
- экологик тоза;
- белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;
- совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;
- газни тежаб сарфлайди;
- биналар, кўтжлар, офислар, кафелар ва дала ҳовлидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Шунингдек, Украина ишлаб чиқарувчиларнинг қуйидаги юқори сифатли маҳсулотларини етказиб берамиз: трансформаторлар, трансформатор кичик станциялари, насослар, тиббий препаратлар ва тиббиёт ускуналари, металл маҳсулотлари, темир йўллар учун буюмлар, кунгабоқар ёғи, қандалат маҳсулотлари, озик-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳаммабоб нархларда!

Тошкентдаги тел.: 242-93-73, 242-84-64, 158-85-75.
E-mail: ubcazia@rambler.ru www.ubcazia.com

«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ

ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ РОССИЯНИНГ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАРДА ПАРВОЗ ҚИЛИШНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ:

ВЛАДИВОСТОК
405 ЕВРОдан (бир томонга)

ЮЖНО-САХАЛИНСК
480 ЕВРОдан (бир томонга)

ХАБАРОВСК
425 ЕВРОдан (бир томонга)

ДИҚҚАТ! Янги телефонлар:
227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

ТРАНСАЭРО
www.transaero.ru

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительного-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сооружений и строительства многоэтажных зданий

■ максимальная грузоподъемность 8 т
■ максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
■ максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

- максимальная грузоподъемность — 14 т
- максимальная высота подъема — 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 16 т
- максимальная высота подъема — 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 25 т
- максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.temz-kran.uz

SONATA

Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

Узоқ кутилган галаба

Россиянинг Элиста шаҳрида давом этилган Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир қизгин паллага кирди.



Хабарингиз бор, маъруза нуфузли мусобақада халқаро гроссмейстер, соғиб жaxon чемпиони Рустам Қосимжонов юртимиз шарафини химоя қилмоқда. У хозиргача ўтказилган етти турнинг бештасида дуранг натижа қайд этиб, иккита ўйинда муваффақиятсизликка учраган эди. Нихоят, саккизинчи тур Рустам учун омадматчи Владимир Аюповнинг маълумиятга учратиби (1:0), очколарини 3,5 тага етказиб олди.

Саккизинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Александр Гришчук (Россия) — Ван Юэ (Хитой) 1:0, Иван Чепаринов (Болгария) — Евгений Алексеев (Россия) 1:0, Этен Бақро (Франция) — Павел Элянов (Украина) 0,5 : 0,5, Теймур Ражабов (Озарбойжон) — Вугар Гашимов (Озарбойжон) 0,5 : 0,5, Шахриёр Мамадиёров (Озарбойжон) — Эрнесто Инаркиев (Россия) 0,5 : 0,5, Петер Лекс (Венгрия) — Дмитрий Яковенко (Россия) 0,5 : 0,5.

Рустам Қосимжонов тўққизинчи турда россиялик Дмитрий Яковенкога қарши дона суради.

Месси: «Ўзбекистон футболу билан яхши танишман»

Дунё футболнинг юлдузларидан бири, Аргентина терма жамоаси ва «Барселона» (Испания) клуби ярим ҳимоячиси Лионел Месси Ташкентга таширф буюрди.

У дастлаб Ўзбекистон Футбол федерациясида бўлиб, мамлакатимизда миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш бўйича амалга оширилётган ишлар билан яқиндан танишди. Шундан кейин пойтахтимиздаги «Чигатой» футбол марказида ёш футболчилар ва ишқубулларга ўз маҳоратини намойиш этди.

— Аввало, мени Ўзбекистонга таклиф этиб, шу қадар илиқ кутиб олишганидан гоят хурсандман, — деди Месси журналистлар билан мулоқотда. — Шунга ташкилдамочки эдимки, 2003 йилги ёшлар ўртасидаги жaxon чемпионати бахсларида айнан Ўзбекистон терма жамоасига қарши ўйнаганим хамон ёдимда. Ушунда Ўзбекистонлик футболчилар ўзларининг мазмунли ўйинлари билан бизда илиқ таассурот қолдиришган. Бугун мамлакатимизга келиб, футболга берилётган эътибор билан янгда акнрок танишдим. Насиб этса, ҳамкорлигимиз хали узоқ давом этади.



Лионел Месси Ташкентга таширф буюрди.

Терма жамоага номзодлар

Ташкент шаҳар Ички ишлар бoш бошқармасига қарашли спорт мажмуасида фудокан қарат-до бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Унда мамлакатимизнинг барча худудларидан келган 200 нафардан ортиқ қарат-до усталари медаллар учун кураш олиб борди.

Яқунда умумжамоа ҳисобида Ташкент вилояти қарат-дочилари шохсупанинг юқори погонасидан жой олишди. Буюро вилояти вакиллари иккинчи, Ташкент шаҳри жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари қарат-дочилари қўлга киритган медаллар ҳам салмоқли бўлди.



Энди голиблар орасидан халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини химоя қиладиган терма жамоа шакллантирилади.

Кучлилар беллашуви

Навоий шаҳри корхоналари спортчилари ўртасида анъанавий спартакиада ўтказилди.

Унинг иштирокчилари спортнинг волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Бу галги спартакиадада «Кизилкумбемант» очик ақциядорлик жамияти жамоаси голиб бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Навоий қурилиш бошқармаси ҳамда «Жануб-монтаж» спортчилари қўлга киритдилар.

Хамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги жамоаси марказий аппарат бoш мутахассиси Зойиржон Акбаровнинг ЗОКИРОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касба уюшмаси бирлашган кўмитаси УзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор Маҳмуд Салохитдинов ва онаси ЗУҲРАХОН аянинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ташкент давлат юридик институтини жамоаси «Жиноят процесси» кафедраси катта ўқитувчиси Давлатбек Ҳабибуллаева синглиси Чароҳсон ҲАБИБУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этди.

«KAFIL-SUG'URTA» МЧЖ жамоаси бoш директори Рустам Нурманова падари бузуқворни ҲАШПОР отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этди.

Ташкент давлат юридик институтини жамоаси «Жиноят процесси» кафедраси катта ўқитувчиси Давлатбек Ҳабибуллаева синглиси Чароҳсон ҲАБИБУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлат умумий таълим дастурига асосан, 2004-2009 йиллар давомида республика бўйича жами 2,9 млн. ўқувчига мўлжалланган 8476 та ёки мавжуд мактабларнинг 87 фоиз биноларини, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш белгиланган эди. 2004-2008 йилларда жами 6544 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириди, жумладан, 275 та янги мактаб биноси барпо этилди. 1757 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 2866 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилган бўлса, 1646 та мактаб жорий таъмирланди. Бу ишларга Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 962,7 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган жами 6544 та таълим муассасасидан 5284 таси (80,7 фоиз) қишлоқ худудларида, 198 таси (3,1 фоиз) бориш қийин бўлган тоғли худудларда, қолган 1062 таси (16,2 фоиз) эса шаҳарларда барпо этилди. Бу билан қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовутга барҳам берилмапти.

2005-2008 йилларда дастур доирасида умумтаълим мактабларини замонавий меъле, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш учун Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 334,8 млрд. сўм маблағ сарфланди. Бугунги кунда энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланган мактаблар сони 5043 тани ёки умумий мактаблар сони (9765 та) га нисбатан 51,6 фоизни ташкил этади.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий таълим дастури ҳозирданқўз меваларини бера бошлади. Жумладан, 2004-2005 ўқув йили якунида ўтказилган мониторинг натижасига бўйича ўқувчилар томонидан ДТСда белгиланган билим, қўниқма ва малакаларни ўзлаштиришнинг умумий самарадорлиги 71,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2006-2007 ўқув йили якунида бу кўрсаткич 75,9 фоизга етди. 2007-2008 ўқув йилида эса 79 фоизга кўтарилди. Бундан таълим самарадорлиги йилдан-йилга ошаиб бораётганини кўриш мумкин. Қолаверса, олий таълим муассасаларига кирувчи абитуриентларнинг билимлар кариери йилдан-йилга кескин оsvilleгани, яъни кириш балларининг сўнгги 2-3 йилда салмоқли ошгани ҳам умумий ўрта таълим соҳасида амалга оширилётган дастурлар мевасидир.

Бугунги кунда эришган энг муҳим ютуғимиз бу ўқувчиларда ўқишга бўлган муносабатининг тубдан ўзгарганидир. Фақат ўқувчиларда эмас, уларнинг ота-оналари ҳам фикрлар ижобий томонга ўзгаришди. Ота-оналар муқтадиллик даврида таълим тизимида кўсқа муддатларда бўлаётган ўзгаришларни, уларнинг натижаларини кўрмоқда, истиклолгача бўлган шароит

билан таққосламоқда, пировадарида фарзандлари учун яратилётган қўлайликлардан мамнун бўлмоқда, ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга ишончи ошмоқда, натижада юртимизда олиб борилаётган сивасатнинг тўғрилигига имон келтирмоқда.

Энди бевосита фарзандларимизнинг халқаро миқёсдаги ютуқларига мурожаат қилсак, 2004-2007 йилларда мактаб ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида жами 27 та медални қўлга киритдилар. Жумладан, 2005 йилда 6 та бронза, 2006 йилда 2 та кумуш, 4 та бронза медали билан тақдирланган бўлсалар, 2007 йилда 3 та кумуш, 3 та бронза медалини олишга муваффақ бўлдилар. Шу йилнинг 28 апрель — 4 май кунлари кимб фанидан ўтказилган 42-Менделеев номидаги халқаро олимпиадада Ўзбекистоннинг 13 нафар вакили юқори ўринларни эгаллади. Яъни, 1 та олтин, 1 та кумуш ва 11 та бронза медали соҳиби бўлдилар.

2008 йил 14-20 июль кунлари Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган 49-халқаро математика олимпиадасида жaxonнинг 97 та давлатидан келган 535 нафар иштирокчи қаторида мамлакатимиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 6 нафар ўқувчидан иборат терма жамоаси вакиллари 4 нафари бронза медалига сазовор бўлишди.

Вазирлик тасарруфидоги «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзоларининг 11 нафари Пекинда бўлиб ўтган 8-и Олимпиада ўйинларида катнашиб, Антон Фокин бронза медалини қўлга киритди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридоги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2008 йилда халқаро мусобақаларга юборилган ёш спортчиларимизнинг 17 нафари олтин, 15 нафари кумуш ва яна 15 нафари бронза медалларини олиб қайтидилар.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий таълим дастури ҳозирданқўз меваларини бера бошлади. Жумладан, 2004-2005 ўқув йили якунида ўтказилган мониторинг натижасига бўйича ўқувчилар томонидан ДТСда белгиланган билим, қўниқма ва малакаларни ўзлаштиришнинг умумий самарадорлиги 71,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2006-2007 ўқув йили якунида бу кўрсаткич 75,9 фоизга етди. 2007-2008 ўқув йилида эса 79 фоизга кўтарилди. Бундан таълим самарадорлиги йилдан-йилга ошаиб бораётганини кўриш мумкин. Қолаверса, олий таълим муассасаларига кирувчи абитуриентларнинг билимлар кариери йилдан-йилга кескин оsvilleгани, яъни кириш балларининг сўнгги 2-3 йилда салмоқли ошгани ҳам умумий ўрта таълим соҳасида амалга оширилётган дастурлар мевасидир.

Маълумки, малака ошириш тизими ҳам соҳанинг муҳим йўналишларидан

биридир. Давлат умумий таълим дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда малака оширишнинг самарали тизими яратилди. Бунда таълим муассасасининг бюрутмасига асосан, педагогининг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эътиборга мос ҳолда унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг «Режали-мажбурий» тизимидан «Йўналтирилган мақсадли», яъни тақомиллаштирилган тизимига ўтилди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётганини муносабати билан педагоглари малака ошириш даврилиги 5 йилдан 3 йилга келтирилди. 2008 йилнинг декабрь ойигача режа бўйича 86218 нафар педагог ходимнинг малакасини ошириш кўзда тутилган бўлиб, жорий йил ўн бир ой якунларига кўра, 87341 нафар педа-

гоннинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисидаги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидоги республика академик лицейлари ҳамда болалар мусика ва санъат мактаблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилган.

Давлат дастури мақсади —

болангич мусика таълимини тубдан яхшилаш, ўсиб келаётган авлоднинг маданий савиясини ошириш, ёшларнинг миллий ва жaxon санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини яхшилаш ва юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашдан иборат.

Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида, 150 нафар ва 200 нафар ўқувчи мўлжалланган 1- ва 2- типдаги янги қуриладиган мактабларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу мактаблар республиканинг барча худудларида қурилади ва энг замонавий усуллар, меъеллар ҳамда мусика асбоблари билан таъминланади.

Хозирги кунда, республикамиздаги 303 та болалар мусика ва санъат мактаби мавжуд бўлиб, уларда 5352 нафар ўқитувчи 39034 нафар ўқувчи таълим-тарбия беради. Дастур доирасида 2009-2014 йиллар давомида 278 болалар мусика ва санъат мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, замонавий ўқув жиҳозлари, меъеллар ҳамда мусика асбоблари билан таъминланиши режалаштирилган.

Биргина 2009 йилда 6 та болалар мусика ва санъат мактабида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, ўзини тутиш маданияти, нутқ маданиятига диққатимизни қўйиштиришимиз лозимлигини давр кўрсатмоқда. Албатта, бу ҳислатлар азалдан қонимизда бор, аммо уларни замон талаби асосида олиб боришимиз керак. Энг муҳими, бола шахсида миллий ифтихор, миллий гурур, ўз халқи, Ватанига содиқлик, фидойилик, гоъвий собиллик ҳислатларини шакллантиришимиз зарур.

«Мухтасар айтганда, мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажакдаги ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қислаб бўлмайди» дейиладиган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариди.

Шундай экан, замонавин тараққий этгани, юртимиз ривожлангани сайин ўқитувчи ва мураббийлар олдидаги вазифалар қўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Энг муҳим масалаларни юқорида таъкидладик — ҳар бир болани тақдорланмас олам сифатида кўриш, унга табиат инъом этган тугма лаёқатини эрта аниқлаб, уни тарбиялаш орқали қобилият даражасига олиб чиқиш, соғлом турмуш тарзига амал қиладиган жисмонан бақувват қилиб, қалбига маънавият уруғларини қадаш, алақажикат ҳазрати инсон номига муносиб қилган ишларини шакллантириш, ўз касбининг фидойилари, Ватанига содиқ янги авлодни яратиш муҳим вазифаларимиз ҳисобланади.

Амалга оширилган ишларни таҳлил қилар эканмиз, «Биз кимни ўқитяпмиз?», «Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг шахси, унинг қизиқишлари эътиборга олинаётганими?», «Болани ким ўқитмоқда?» каби саволлар хаёлни банд этади. Орамизда барча фанларни муваффақиятли ўзлаштирадиган иқтидор эр фарзандларимиз бор, шунингдек, аълочимиз, «яшн»га ўқийдиганимиз, «ўрта» ёки паст ўзлаштиришчи болалар бор. Табиийки, айрим жиҳатлардан тўлиқ ривожланиб улгурмаган, бироқ нормал ҳисобланган болаларнинг ўзини 4 ёки 5 гуруҳга ажратса бўлади. Аммо уларга бир хил муносабатда бўламиз, бир хил ўқитиш методини қўлайимиз. Ваҳоланки, уларда салоҳият ҳар хил. Болалар борки, аниқ фанларга ёки спортга, санъатга лаёқатли қучли-ю, гуманитар фанларга тоби йўқ ёки аксинча. Шу маънода, аввало, ўқувчининг тугма лаёқатини, нималарга қодирлигини, уларнинг яши-

ларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисидаги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидоги республика академик лицейлари ҳамда болалар мусика ва санъат мактаблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилган.

Давлат дастури мақсади —

Ғайрат ШОУМАРОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазир.

НУРЛИ МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ



гог ходим ўз малакасини ошириди.

Амалга оширилган ишларни таҳлил қилар эканмиз, «Биз кимни ўқитяпмиз?», «Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг шахси, унинг қизиқишлари эътиборга олинаётганими?», «Болани ким ўқитмоқда?» каби саволлар хаёлни банд этади. Орамизда барча фанларни муваффақиятли ўзлаштирадиган иқтидор эр фарзандларимиз бор, шунингдек, аълочимиз, «яшн»га ўқийдиганимиз, «ўрта» ёки паст ўзлаштиришчи болалар бор. Табиийки, айрим жиҳатлардан тўлиқ ривожланиб улгурмаган, бироқ нормал ҳисобланган болаларнинг ўзини 4 ёки 5 гуруҳга ажратса бўлади. Аммо уларга бир хил муносабатда бўламиз, бир хил ўқитиш методини қўлайимиз. Ваҳоланки, уларда салоҳият ҳар хил. Болалар борки, аниқ фанларга ёки спортга, санъатга лаёқатли қучли-ю, гуманитар фанларга тоби йўқ ёки аксинча. Шу маънода, аввало, ўқувчининг тугма лаёқатини, нималарга қодирлигини, уларнинг яши-

ларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисидаги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидоги республика академик лицейлари ҳамда болалар мусика ва санъат мактаблари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилган.

Давлат дастури мақсади —

Ғайрат ШОУМАРОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазир.

Шукрона

Одамзоднинг юраги соғу тоза бўлсин. Юраги тозаю бағри бутун одам қўлга олиб чертса қоқ ёгочлар тилга қиради. Бутун борлик завоқил қўшиққа айланади шунда.

БАҒРИ БУТУН ЭЛ БАХШИСИМАН

Бугунги кунимиз завоқил қўшиқлар қўлайидиган замонага айланди. Отани Умир шоир дёрдилар. Дўмбирасига жүр қилиб қирқта дoston айтган. Лекин қўшиқлари ҳам, ўзи ҳам муносиб кадр топмай ўтди. Отанининг дўмбираси ерда қолмади. Қадрлайдиган, қадрланаётган замон келди. Мустақиллик замони! Узим мактабда 42 йил ўқитувчилик қилдим. Ўқувчиларимга халқ озаки дурдоналаридан хабар бердим. Дoston қўйлаб тўйдравларни қўзидим. Хизматларимни эл-улус кўрди. Эъозлади. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан, «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвонига сазовор бўлдим.

Э, сурхондарёлик Қора бахши, ким эдингиз ким бўлдинг, деб ўйлайман энди. Юрт олдидаги тирноқча хизматинг тўғрйли тоғдек обрў-эътиборга эришган бўлсанг, ўзинг қўйлаган дostonларнинг паҳлавонлари тирилиб келиб, ўзинг билан яшаётгандай бўлса, янги замонлар сари дадил одимлаётган бўлса, яна не армонинг бор, деб ҳайқиргим келади.

Ҳа, юртимнинг бағри бутун. Юраги тоза. Ниҳоят эзгу. Бундай юртга унча-мунча говлар писанд эмас. Унинг ҳар бир кунини дostonларга солиб қўйла-сак ҳам кам.

Қора УМИРОВ, Ўзбекистон халқ бахшиси. Мўрабoт тумани.

Озод юртнинг истеъдодли фарзандлари

(Давоми. Боши 2-бетда).

баҳолашади. Шунингдек, танлов тадбирлари доирасида ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, ахборот ва коммуникация технологиялари номинациялари голибларининг энг яхши лойиҳалари тақдимоти



Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

бўлиб ўтиши ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, иштирокчилар учун бир неча кун давомида турли маданий тадбирлар, санъат ва маданият намоёндалари иштирокидаги ижодий учрашув ва кечалар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшаларига савоҳтлар уюштирилади.

— Камолитдин Бехзод

номидаги миллий расомлик ва дизайн институтида тахсил оламани, — дейди танлов иштирокчиси Малика Қориева. — Танловнинг дизайн йўналиши бўйича «Ўзбегим маликаси» номли либослар тўплами билан қатнашяпман. Саралаш жараёнидан муваффақиятли ўтиб, беллашувнинг якуний босқичига йўлланим.

Буюро олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Диана Сулаймонова кўриқнинг спорт номинациясида ўз маҳоратини синаб кўрмоқда. Спортчи киз «Турон» миллий кураш бўйича тўқки қарра Ўзбекистон, икки қарра Осиё чемпиони бўлган. — Танловда иккинчи бор қатнашяпман, — дейди Диана. — Голиб бўлишни астойдил ниҳат қилганман. Галабага эришган куним



Ҳаётимдаги энг унутилмас лаҳзалардан бири бўлиб қолиши аниқ. Негаки, бу ерда ўз қўлига инсониман, голибликка номуносиб иштирокчининг ўзи йўқ. Юксак истеъдодли рақобатчиларинг орасида биринчилик сари интилиш учун ҳам катта журъат керак.

Истеъдодли ёшлар беллашувининг финал босқичи ҳамда танлов голибларини тантанали тақдирлаш маросимига бағишланган гала-концерт 27 декабрь кунини пойтахтимизнинг «Истиклол» санъат саройида бўлиб ўтади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. Темур ҚУРБОНОВ олан суратлар.

Арча атрофида — эртак қаҳрамонлари

Ю. Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусикали драма театри ижодий жамоаси болалар учун «Аловуддиннинг янги саргузаштлари» мусикали томошасини сахналаштирди.

Деярли бир соат давом этадиган томошада арча атрофида эртаклар қаҳрамонларини тўплаган Қорбобо яхшилик ва ёмонлик, қаҳр ва меҳр, билмонлик ва нодонлик тўғрисида ижобий ҳамда салбий қаҳрамонлар орқали тushуна беради. Болаларнинг сахна кўринишларидаги иштирокчини таъминлайди.

Ушбу томошалар ўқувчиларнинг таътил кунлари, мароқли ўтишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичкинтойларга тўхфа

Юсуфжон қизик Шакаржонов номли Фаргона вилояти ўзбек давлат мусикали драма ва комедия театри жамоаси янги йил арафасида болақонларга ёзувчи Салохитдин Сирожиддинов қаламига мансуб «Гал йўқ, кўзичоқ» асарини тўхфа этди.

Миллий қадриятлар, одамийлик, яхшиликнинг улғу фазилат эканини тараннум этувчи ушбу асар нафақат театр сахнасида, балки боғча, ясли, мактабларда ҳам намойиш этилиши режалаштирилган.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. Манзил: 100000, ГСП, Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси